



ПРОФИЛАКТИКА ИНСПЕКТОРИНИНГ МАҲАЛЛА ЁШЛАР ЕТАКЧИСИ ВА МАҲАЛЛА ЕТТИЛИГИ БИЛАН ЎЗARO ҲАМКОРЛИГИНИ АҲАМИЯТИТ

Абдухалимов Умар Тоштемир ўғли

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси 2-ўқув курси
210-гуруҳ курсанти

Ниматов Шерзод Ниматжонович

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси
Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси фаолияти кафедраси
ўқитувчиси, майор

<https://doi.org/10.5281/zenodo.15152279>

ARTICLE INFO

Received: 31th March 2025

Accepted: 4th April 2025

Published: 5th April 2025

KEYWORDS

ABSTRACT

Жамоат хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва жиноятчиликка қарши курашишнинг яхлит тизимини шакллантириш, ички ишлар органларининг энг қуйи бўғинидан республика даражасигача самарали фаолиятини йўлга қўйиш ва замонавий иш услубларини жорий этиш орқали мамлакатимизда ҳуқуқ-тартибот ва қонунийликни мустаҳкамлаш, аҳолининг тинчлиги ва осойишталигини таъминлаш мақсадида бугунги кунда қўллаб-қувватлаш амалга оширилмоқда.

Жамиятимизда мавжуд ўта ноёб, бетакрор ижтимоий бошқарув идораси бўлган, ҳеч нарса билан солиштириб бўлмайдиган, юз йиллар давомида ривожланиб келаётган ва мустақиллик даврида тубдан янгиланиб, замон талаблари асосида такомиллашиб бораётган маҳалла тизими имкониятларини тўлиқ ишга солиш ва аҳоли фаоллигини ошириш жиноятларнинг олдини олишда, албатта, ўз самарасини беради, ана шу меросдан амалиётда моҳирлик билан фойдаланиш зарур¹. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев: “Асосий вазифамиз – амиятимизни ислоҳ қилиш ва демократлаштириш, мамлакатимизни модернизация қилиш жараёнларини янги босқичга қаратишдан иборат” номли маърузасида таъкидлаганидек, “бугунги кунгача ички ишлар ва ҳуқуқ тартибот органлари фаолиятини тартибга соладиган қонуннинг йўқлигини ҳам нормал ҳолат, деб бўлмади. Шунинг учун мазкур органларнинг, биринчи навбатда, қонун устиворлигини таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш борасидаги мақоми, фаолият шакли ва усулларини аниқлаштириш ҳамда уларга тузатишлар киритиш зарур” Мамлакатимизда ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўйича комплекс чора-тадбирлар хусусан, аҳолининг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш, бу борада давлат органлари ва фуқаролик жамияти институтларининг

¹ Ниматов Ш. Н. Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлинмаларининг жамоатчилик билан ҳамкорлигини мувофиқлаштириш фаолиятини такомиллаштириш //siyosatshunoslik, huquq va xalqaro munosabatlar jurnali. – 2022. – Т. 1. – №. 2. – С. 8-17.

ҳамкорлигини такомиллаштириш мақсадида кенг кўламли ислохотлар амалга оширилмоқда².

Барча яхши биладики, бугунги кунда —Маҳалла еттилиги|| томонидан бандликни таъминлаш, ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар, нуроний отахон ва онахонларимиз, хотин-қизлар ва ёшларга манзилли ёрдам кўрсатиш, фуқароларни замонавий касб-хунар ва тадбиркорликка ўқитиш, камбағалликни қисқартириш ҳамда маънавий-маърифий тадбирлар ўтказиш каби бир-биридан муҳим ишлар олиб борилмоқда. Хонадонларнинг иқтисодий-ижтимоий аҳволи тўлиқ хатловдан ўтказилиб, ҳар бир маҳалланинг ўсиш нуқталари аниқлаб олинди. —хонадонбай, —оилабай ишлаш тизими, —обод хонадон —обод кўча —обод маҳалла мезонлари жорий этилганига нафақат халқимиз, балки дунё ҳамжамиятининг ҳаваси келмоқда ва эътироф этилмоқда. Ҳуқуқшунос олима сифатида халқаро конференцияларда иштирок этар эканман: олимларнинг маҳалла институтимизга қизиқиши мени қувонтиради. Маҳалла ўзбек халқининг қадимий, тарихий маскани, деб фахр ила гапираман. Дарҳақиқат, , бугун маҳалла —ҳақиқий маънавият бешиги. Олим ҳам, раҳбар ҳам, оддий фуқаро ҳам ўз маҳалласи, ўз оиласи ва хонадонига эга. Ҳар бир хонадондаги ҳақиқий аҳвол: маҳаллага маълум. Шундай маънавият қўрғонида порахўр, ёлғончи ва фирибгар, худбин ва жиноятчи бекиниб яшай оладими? Албатта йўқ: халқ қудратдир, халқ денгиздир, халқ тўлқиндир, -деб жадидларимиз бежиз айтишмаган. халқ ҳаммасини кўриб, сезиб юради.

Ҳар бир хонадондаги фарзанд тарбиясини ҳам билади. Бугун маҳалланинг жамият бошқарувидаги ўрни ва фаолияти барча соҳада сезилмоқда. Мурожаатлар билан ишлаш, аҳоли муаммоларини аниқлаш ва ҳал этиш бўйича —маҳалла —сектор —Халқ қабулхонаси —маҳалла|| принципи асосида ҳамкорлик тизими ҳам йўлга қўйилган даврда ҳеч бир фуқаронинг муаммоси эътиборда четда қолмаяпти. Маҳаллалардаги учрашувлар тизимли йўлга қўйилган. Зеро, Ўзбекистонда инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, қадр-қиммати, дахлсиз ҳуқуқлари ва манфаатлари масаласига оид нормалар янгиланган Конституцияда мустаҳкамланди. Конституциявий ислохотлар жараёнида давлат ҳокимияти органларининг конституциявий бурчи ва устувор вазифаси инсон қадри юксалишига қартилганининг ҳар кунги ўзгаришларда гувоҳи бўлмоқдамиз. Бунини маҳаллаларда кўрамиз. Мамлакатимизда яшаётган ҳар бир инсон ҳаёти маҳалла, оила билан узвий боғлиқ. Бу борада маҳалла тизимини янада такомиллаштириш, оилаларда ижтимоий-соғлом муҳитни яхшилаш, хотин-қизлар ва ёшларни қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 14 май кунидаги “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги ЎРҚ-371 сон қонунида Ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи органлар ҳамда муассасалар, уларнинг ваколатлари белгиланган³. Мазкур қонунга кўра Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳуқуқбузарликлар профилактикасига доир давлат дастурларининг ишлаб чиқиши, тасдиқланиши ва амалга оширилишини таъминлаши, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тизимининг самарали ишлаб туришига қаратилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиб, қабул қилиши, иқтисодий ва ижтимоий-маданий ривожланиш соҳасида ҳуқуқбузарликлар профилактикасига доир тегишли чора-тадбирларни кўриши, ҳуқуқбузарликлар

² Ниматов Ш. Ички ишлар органлари ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлинмаларининг жамоатчилик билан ҳамкорлигининг ташкилий асослари //Академические исследования в современной науке. – 2024. – Т. 3. – №. 22. – С. 43-52.

³ Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 14 май кунидаги “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги ЎРҚ-371 сон қонун

профилактикасини бевосита амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи органлар ҳамда муассасаларнинг ўзаро ҳамкорлигини таъминлаши, қонунчиликка мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши, мумкинлиги маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ҳуқуқбузарликлар профилактикасига доир давлат дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда иштирок этиши, ҳуқуқбузарликлар профилактикасига доир ҳудудий дастурларни ишлаб чиқиши, тасдиқлаши ва амалга ошириши аҳолининг ижтимоий муҳофаза қилинишини таъминлашга, қонунийлик ва ҳуқуқ-тартиботни, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликлари ҳимоя қилинишини таъминлашга қаратилган чора-тадбирларни кўриши, тегишли ҳудудда ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи органлар ҳамда муассасаларнинг ўзаро ҳамкорлигини таъминлаши, қонунчиликка мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкинлиги ваколат сифатида белгилаб берилган. Шунингдек ички ишлар органлари, прокуратура органлари, Давлат хавфсизлик хизмати органлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат хавфсизлик хизмати органлари, Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси органлари, Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлиги, адлия органлари, давлат божхона хизмати органлари, давлат солиқ хизмати органлари, меҳнат органлари, таълимни давлат томонидан бошқариш органлари ва таълим муассасалари, давлат соғлиқни сақлаш тизимини бошқариш органлари ва соғлиқни сақлаш муассасалари, Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси органлари, Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари агентлиги ва унинг ҳудудий бўлинмалари Ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи органлар ва муассасалар тизимига кирувчи субъектлар сифатида қайд этилган.

Бундан ташқари мазкур қонунда Маъмурий ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабабларини ва уларга имконбераётган шарт-шароитларни аниқлаш ҳамда бартараф этилишини таъминлашамалдаги Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг “Маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларнинг тааллуқлилиги”га бағишланган XVIII бобида кўрсатиб ўтилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўрибчиқиш ваколатига эга субъектлар томонидан амалга оширилади. Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларнинг ички ишлар органларига тааллуқлилиги белгиланган 248-моддасининг 2-қисми 4-бандида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар ҳудудий профилактика (катта) инспекторлари томонидан кўриб чиқилиб, кўрибчиқиш жараёнида маъмурий ҳуқуқбузарликларнинг сабаблари ва уларнинг содир этилишига имкон берган

шарт-шароитлар аниқланади ва бартараф этиш чоралари кўрилади. Масалага криминологик нуқтаи назардан ёндашилса, ҳар қандай ҳуқуқбузарликнинг содир этилиши шахсда шаклланган маънавий-руҳий ҳолат (ғайриижтимоий хулқ-атвор)нинг ҳуқуқбузарлик содир этилган вақтдаги муайян ижтимоий муҳит билан ўзаро алоқага киришиши натижасида юзага келиши маълум бўлади. Бунда шахс онгида мавжуд бўлган ғайриижтимоий хулқ-атвор ёки жамиятга зид қарашлар ҳуқуқбузарликнинг сабаби сифатида гавдаланса, ҳуқуқбузарлик содир этилган вақтдаги муайян ижтимоий муҳит ҳуқуқбузарликнинг содир этилишига имконият яратган шарт-шароит тариқасида ифодаланади. Криминолог олимлар томонидан ҳуқуқбузарликларнинг сабаб ва шарт шароитлариганисбий тушунчалар деб қаралади. Чунки, ушбу нисбийлик содир этилган ҳуқуқбузарликни келтириб чиқарган омилларнинг қайси бирларини сабаб ёки қайсиларини шароит деб белгилашнинг мукаммал чегараси мавжуд эмаслиги, натижада уларни аниқлашда турли чалкашликларни келиб чиқишида намоён бўлади. Айнан шунинг учун ҳам олимлар бу икки тушунчани у “сабаб” ёки “шароит” бўлишидан қатъий назар, ҳуқуқбузарлик содир этилишини таъминловчи

омиллар, деб ҳисоблайди. Шу боис уларни комплекс тарзда ўрганишда битта криминоген “детерминант”, яъни “ҳуқуқбузарликларнинг детерминантлари” деб тушуниш керак. Криминологик адабиётларда ҳуқуқбузарликлар сабаб ва шароитларининг асосий вақўшимча, объектив ёки субъектив каби турлари ҳам мавжуд. Профилактика инспекторлари томонидан ҳуқуқбузарликларнинг, шу жумладан, маъмурий ҳуқуқбузарликларнинг сабаб ва шароитларини аниқлаш қуйидаги мақсадларда амалга оширилиши керак:

1) аниқланган ҳуқуқбузарликларнинг сабаб ва шароитлари бошқа ҳуқуқбузарликларни келтириб чиқаришини олдини олиш; 2) муайян ҳуқуқбузарликнинг аниқланган сабаб ва шароитларига ўхшаш омилларнинг бошқаларда ёки бошқа жойларда ҳам мавжудлигини аниқлаш, бордию аниқланса, унда уларни ҳуқуқбузарликлар содир этилмасидан илгари бартараф этиш чораларини кўриш; 3) ҳуқуқбузарларни ахлоқан тузатиш, ижтимоий реабилитация қилиш ва ижтимоий мослаштирилишини таъминлаш; 4) агар ҳуқуқбузарлик содир этилишида айбли виқтимлик, яъни жабрланувчининг салбий ҳулқ-атвори билан боғлиқ ҳолат мавжуд бўлса, унда жабрланувчига тарбиявий таъсир чораларини қўллаш. Бу борада профилактика (катта) инспекторларидан ҳуқуқбузарликлар содир этилиши сабаблари ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлашда қуйидагиларга эътибор қаратиш талаб этилади: биринчиси, ҳуқуқбузарнинг шахси (ижтимоий-демографик, маънавий руҳий ва жинсий-ҳуқуқий ва биофизиологик белгилари); иккинчиси, ҳуқуқбузарнинг тарбияси, оиласидаги муҳит, эҳтиёжи, манфаатлари, мотиви, мақсади, ҳаётда танлаган йўли; учинчиси, ҳуқуқбузарлик содир этилган вақт, жой, шароит, содир этилиш усули, воситаси; тўртинчиси, ҳуқуқбузарлик содир этилган вақт ва жойда ҳуқуқбузарликни олдини олиш лозим бўлган субъектларнинг фаолияти; бешинчиси, ҳуқуқбузарликдан жабрланувчининг шахси (ижтимоий-демографик, маънавий-руҳий ва жинсий-ҳуқуқий ва биофизиологик белгиси), айбли ёки айбсиз виқтимлик ҳолати; олтинчиси, ҳуқуқбузар ва жабрланувчи ўртасидаги алоқалар (яқин қариндош, қариндош, қуданда, қўшни, маҳалладош, ҳамкасб, синфдош, курсдош, таниш, нотаниш кабилар) ва муносабат (зиддиятли, адоватлашган кабилар); еттинчиси, ота-онасининг илгари ҳуқуқбузарлик содир этган етмаганлиги, содир этган бўлса, қайси турдаги ҳуқуқбузарликни содир этганлиги кабилар. Профилактика (катта) инспекторларининг маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар бўйича сабаб ва шароитларни аниқлашга доир фаолиятини шартли равишда икки гуруҳга ажратиш мумкин: биринчи гуруҳ – профилактика инспекторларига кўриб чиқиш ваколати берилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар бўйича сабаб ва шароитларни аниқлаш; иккинчи гуруҳ – профилактика инспекторлари кўриб чиқиш ваколатига эга бўлмаган, аммо хизмат олиб бораётган ҳудудда содир этилганлиги аниқланган маъмурий ҳуқуқбузарликлар бўйича сабаб ва шароитларни аниқлаш

Жамиятда жамоат тартибини сақлаш ва фуқаролар ҳавфсизлигини таъминлаш, жиноятчиликка қарши курашиш, ҳуқуқбузарликлар профилактикасини ташкил этиш ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари зиммасига юклатилган асосий ҳамда долзарб вазифалардан биридир. Мазкур вазифаларни амалга оширишда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи бошқа органлар билан бир қаторда ички ишлар органларининг ҳам муносиб ҳиссаси бор. Ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширишга ваколатли бўлган субъектлар ўз фаолияти жараёнида ҳуқуқ-тартиботни сақлаш ҳамда мустаҳкамлаш, ҳуқуқбузарликларни аниқлаш, уларга барҳам бериш, шунингдек, ҳуқуқбузарликлар содир этилишининг сабабларини ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлаш, бартараф этиш мақсадида қўлланиладиган ҳуқуқбузарликлар профилактикаси чора-тадбирларини амалга оширишда ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг бошқа субъектлари билан бевосита ҳамкорлик қилади. Ҳамкорлик – иш фаолиятда бирга, ҳамкор бўлиш, айтиб бир мақсадни кўзлаб

белигиланган ишда биргалашиш, уни тенг бажариш тушунилади. *Хуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасидаги ҳамкорлик* –ушбу фаолият билан шуғулланувчи субъектларнинг қонун ҳужжатларга асосланиб, ўзаро келишилган ҳолда фаолиятнинг шакл ва усуллари, хизмат ваколатларидан самарали фойдаланиши бўлиб, бунда икки ёки ундан ортиқ хизмат, яъни бошқарувнинг бир-бирига бўйсунмаган алоҳида иштирокчилари ўз ҳаракатларини ўзаро келишиб бажаришади. Яъни, ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи бошқа органлар ҳамда муассасалар билан ўзаро ҳамкорлик қилади. Ички ишлар органларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасидаги ҳамкорлигини шартли равишда *ички идоравий ҳамкорлик* ва *ташқи ҳамкорлик* турларига ажратишимиз мумкин. *Ички идоравий ҳамкорлик* –яъни, ички ишлар органлари соҳавий хизматларининг ўзаро ҳамкорлигидир. *Ташқи ҳамкорлик*–ички ишлар органларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг бошқа субъектлари билан ҳамкорлиги. Бунга, ички ишлар органларидан ташқари ҳуқуқни муҳофаза қилувчи бошқа органлар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоат бирлашмалари, муассаса ва ташкилотлар ҳамда аҳоли билан ҳамкорлиги тушунилади. Шунингдек, ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширишда ҳуқуқбузарликлар профилактикаси субъектларининг ўзаро ҳамкорлиги *биринчидан*, ушбу соҳадаги қонунчиликнинг ижросини таъминлашда, *иккинчидан* ҳуқуқбузарликлар профилактикаси фаолиятини янада самарали ташкил этишда, *учинчидан*, аҳолининг барча қатламларига нисбатан бирдай профилактик чора-тадбирларни қўллашда тезкорлик ва тежамкорликка эришиш учун хизмат қилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 21 декабрдаги «Маҳалла институтининг жамиятдаги ролини тубдан ошириш ва унинг аҳоли муаммоларини ҳал этишда биринчи бўғин сифатида ишлашини таъминлашга қаратилган чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-209-сон фармонида Маҳалланинг жамият ҳаётидаги ўрнини ошириш ҳамда соҳада бошқарув тизимини такомиллаштириш мақсадида маҳалла раиси, ҳоким ёрдамчиси, ёшлар етакчиси, хотин-қизлар фаоли, профилактика инспектори, ижтимоий ходим ва солиқ инспектори жамоатчилик асосида фаолият юритадиган «маҳалла еттилиги»ни ташкил қилиши, ҳоким ёрдамчиси, ёшлар етакчиси ва хотин-қизлар фаолининг вазифалари, жумладан ёшлар етакчисига *Хуқуқбузарлик* содир этишга мойиллиги бўлган ёшлар билан, шунингдек, профилактика инспектори билан биргаликда ҳуқуқбузарлик содир этишга мойиллиги бўлган вояга етмаганлар билан тизимли ишлаш, (*Хуқуқбузарлик* содир этишга мойиллиги бўлган ёшлар ва вояга етмаганларни ҳар бири билан индивидуал ишлашлиги, шунингдек профилактика инспекторига — маҳаллада ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, жамоат тартибини сақлаш ва хавфсиз муҳитни таъминлаш, фуқароларнинг қулай атроф-муҳитга бўлган ҳуқуқларини амалга оширишда кўмаклашиш, хотин-қизлар фаолига хотин-қизларнинг муаммоларини ўз вақтида аниқлаш, ушбу муаммолар юзасидан давлат органлари ва ташкилотларга мурожаат қилиш, ёрдамга муҳтож бўлган ва оғир ижтимоий аҳволга тушиб қолган хотин-қизларга ижтимоий-ҳуқуқий, психологик ва моддий ёрдам кўрсатишни ижтимоий ходим билан биргаликда ташкил этиш, хотин-қизлар ўртасида ижтимоий профилактика ва мослаштириш ишларида ҳамкорлик қилиш, тазйиқ ва зўравонликка нисбатан муросасизлик муҳитини яратишда иштирок этиш, ҳар ойда бир маротаба жазони ижро этиш муассасаларидан қайтган ва профилактик ҳисобда турган хотин-қизлар хонадонига бориб, муаммосини ўрганиш, хотин-қизларга нисбатан тазйиқ ва зўравонлик ҳолатларини аниқлаш ва профилактика инспекторига хабар бериш вазифалари белгилаб берилган.

Шунингдек Ўзбекистон Республикаси Президентининг —2025 йилда республика маҳаллаларида хавфсиз муҳитни яратиш ва ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини

олиш тизими самарадорлигини янада ошириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида 03.01.2025 йилдаги ПҚ-1-сон қарорида мамлакатимизда тинчлик ва осойишталикни таъминлашнинг мутлақоянги механизмларини жорий этиш, ҳуқуқбузарликни содир этишга сабаб бўлаётган ижтимоий-маиший муаммоларни ижтимоий профилактика чоралари тизими орқали ҳал этиш ҳамда аҳолида шахсий хавфсизлик ҳиссини шакллантириш борасида самарали чора-тадбирлар амалга ошириш, шу билан бирга маҳаллаларда хавфсиз муҳитни яратишнинг ташкилий-профилактик асосларини замон талабларига мослаштириш, содир этиладиган қонун бузилишларнинг асл омилларини ўз вақтида аниқлаш ва комплекс чора-тадбирлар билан манзилли бартараф этиш орқали жинойтчиликнинг барвақт олдини олиш тизимининг самарадорлигини янада ошириш долзарб вазифаларгаша алоҳида эътибор қаратилган. Иккинчидан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 11 сентябрдаги «Ўзбекистон —2030» стратегияси тўғрисида»ги ПФ-158-сон Фармонининг устувор мақсадларига эришиш, шунингдек, масъул давлат органлари ва ташкилотларининг республика маҳаллаларида ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасидаги фаолиятини

2025 йилда сифат жиҳатдан янги босқичга олиб чиқиш мақсадида: «Ҳар бир маҳаллада ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш» устувор вазифа этиб белгиланган ҳолда қуйидаги ишлаш механизмлари жорий этилмоқда: биринчидан, 2024 йилда жинойт содир этилган ҳар бир маҳаллада криминоген вазиятни барқарорлаштириш ҳамда жинойтларни барвақт профилактика қилишнинг маҳаллалар кесимида чораклик манзилли чора-тадбирларини белгиланган ҳолда маҳалла —туман —вилоят даражасида унинг ижроси учун бевосита масъул раҳбарларни бириктириш ва аниқ соҳавий жавобгарликни юкланмоқдаки, бу ҳар бир жинойтни олдини олишда муҳим аҳамият касб этади.

Минг афсуски, айрим ҳудудларда криминоген вазият оғир маҳаллаларни учраб туриши ҳар биримизни огоҳликка даъват этадики, унинг олдини олишда эса, мазкур ҳолатнинг келиб чиқиш сабаблари ва оқибатларини таҳлил этиш, илмий-амалий ёндашувлар асосида жойларга чиққан ҳолда мақсадли ўрганишларни ўтказиш орқали ҳуқуқбузарликларга сабаб бўлаётган асл омилларни аниқлаш ва барҳам бериш бўйича ташкилий-ҳуқуқий чораларни кўриш давр талабидир. Барчага аёнки, ишсизлик ва қашшоқлик инсоннинг ҳуқуқбузарликларига сабаб бўладиган асосий омиллардан биридир. Қийин молиявий аҳволда бўлган одамлар кўпинча умидсизлик туйғусига дуч келади, бу уларни омон қолиш ёки моддий манфаат олиш усули сифатида жиноий ҳаракатлар қилишга ундаши мумкин. Шу нуқтаи назардан, бугун маҳаллаларда ёшлар, аёллар ва ишсизлар томонидан, шунингдек, оила-турмуш муносабатлари доирасида содир этиладиган жинойтларнинг олдини олишда «маҳалла еттилиги» ҳар бир вакилининг аниқ масъулиятини белгилаш, ушбу тоифадаги ҳуқуқбузарликлар профилактикасига янгича иш услубларини татбиқ қилиш жуда муҳимдир. Шунингдек, маҳаллаларда ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ҳар томонлама аралашувни талаб қилади, бу профилактика чораларини ҳам, маҳаллий аҳолига ҳуқуқий масалаларни кенг етказиш, аҳолининг ҳуқуқий онги, ижтимоий фаоллиги ва фуқаролик масъулиятини ошириш, жинойт содир этилишига сабаб бўлиши мумкин бўлган ижтимоий муаммоларни ҳал этишга жамоатчилик вакиллари, нуронийлар ва маҳалла фаолларини кенг жалб этишни ҳам ўз ичига олади. Бунда маҳаллий ташаббускор гуруҳларни яратиш, ёшларнинг бўш вақтини унумли машғулотлар билан ташкил этиш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда фойдаланиш мумкин бўлган жамоат бирлашмалари ёки кўнгиллилар гуруҳларини шакллантириш мақсадга мувофиқ бўлади. Зеро, маҳаллалар жамоат жойлари ва яшаш хонадонларида хавфсиз муҳит яратиш, фуқаролар ҳаёти, соғлиғи ва мол-мулкига ҳар қандай тажовузларнинг олдини олиш мақсадида ҳуқуқбузарликлар профилактикасига

замонавий рақамли технологиялар ва техник воситаларни кенг жорий этилиши қарорда қайд этилгани эътиборга лойиқ. Бугун маҳалла деганда, дунё давлатларида камдан-кам учрайдиган, ҳар бир инсонни қалбига йўл топадиган, меҳр, инсонпарварлик, бағрикенглик ва оқибат кўрғони, янги институт тушунилади. Ҳар бир инсон, миллати, тили ва динидан қатъи назар, ўз ҳаётини, қувончу ташвишларини ўзи яшаб турган маҳалласида ҳал этишга ўрганди. Қувонарли томони, бугунги кунда фуқаролик жамияти институтлари ўрни ва аҳамиятини оширишга қаратилган ишларда Президент Шавкат Мирзиёевнинг маҳаллатизимини янада тараққий эттириш, бунда обод ва фаровон, ҳар бир инсон муносиб ҳаёт кечиришига боғлиқ барча масалалар ечимини ўзи яшаётган маҳалласи даражасида кўриш, ўрганиш ва ҳал этиш ташаббуси амалий янги қадамдир. Жумладан, давлатимиз раҳбари қайд этганидек, бугунги кунда ҳамма иш маҳаллада, халқимиз билан биргаликда ташкил қилинмоқда. Бу тизим босқичма-босқич ривожлантирилмоқда, унга қўшимча куч, имкониятлар берилляпти. Бу албатта ҳам ваколат, ҳам масъулият дегани. Маҳаллалар – давлатимизнинг энг катта замини. Маҳалланинг асл кучи бирликда, хушёрликда, огохлик ва аҳилликдадир. Бу аҳиллик жиноят ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда маҳаллаларнинг ўрнини кўрсатувчи асосий омидир.

ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Ниматов Ш. Н. Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлинмаларининг жамоатчилик билан ҳамкорлигини мувофиқлаштириш фаолиятини такомиллаштириш //siyosatshunoslik, huquq va xalqaro munosabatlar jurnali. – 2022. – Т. 1. – №. 2. – С. 8-17.
2. Ниматов Ш. Ички ишлар органлари ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлинмаларининг жамоатчилик билан ҳамкорлигининг ташкилий асослари //Академические исследования в современной науке. – 2024. – Т. 3. – №. 22. – С. 43-52.
3. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг 2021 йил 26 мартдаги ПФ-6196-сон "Жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасида ички ишлар органлари фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони
4. Исмоилов И., Зиёдуллаев М.З. Ички ишлар органлари таянч пунктларида профилактика инспекторларининг фаолияти ва ҳамкорлигини ташкил этиш: Ўқув-амалий қўлланма. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2017. – Б. 120-121.249.
5. Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси 22.11.2024 й., 03/24/1004/0948-сон.
6. И.А.Хамедов, Ў.Х.Мухамедов таҳрири остида Маъмурий ҳуқуқ. Дарслик.Т., 2017 йил.
7. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 12.04.2023 й., 03/23/829/0208-сон.
8. Абдурасулова Қ.Р. Аёллар жиноятчилигининг жиноят ҳуқуқий ва кримнологик муаммолари: Монография. – Т., 2005. – 231 б.
9. Алауханов Е., Зарипов З., Туқеев А. Преступность несовершеннолетних и её профилактика / Монография. Алматы, 2009. С. 31.
10. Хўжақулов С.Б. Ҳуқуқбузарликлар умумий профилактикасини такомиллаштириш (ички ишлар органлари фаолияти мисолида): Юрид. фан. б-ча фалсафа д-ри (PhD) дис.... автореф. – Т., 2018. – Б. 20.